



## Ислом Нури

*Муаллиф: Абдуррахмон ибн Яхё  
Абдулхафиз Сирож таржимаси*

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Барча оламларнинг парвардигори – Аллоҳ Таъолога ҳамду санолар, У Буюк зотнинг пайгамбари бўлмиш хазрати Мухаммад ва унинг оилалари, саҳобалари ҳамда уларга эргашган тобиийларга барчаларига дурудун салаотлар бўлсин!

Хидоят ва раҳмат Аллоҳ Таъолонинг бандасига ато этган буюк неъматдир. Гумроҳлик ва газабга гирифтор бўлиш эса, ўша икки буюк неъматнинг зиддидир.

Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таъоло Ўзи хидоят ва раҳматни инъом этган зотларнинг йўлларига бизларни ҳам хидоят этишини, раҳматидан маҳрум этилиб, газабига гирифтор бўлганлар ҳамда хидоятдан бенасиб этилиб, гумроҳ бўлганларнинг йўлларидан бизларга паноҳ беришини сўраб, Ул Буюк Зот Ўзига хар куни бир неча бор илтижо қилмоқлигимизга буюрди. Зеро бу дуо энг жомеъ (жуда кўп маъноларни ўзида жамлаган), энг афзал ва ниҳоятда зарур дуодир. Шунинг учун ҳам банданинг Аллоҳ Таъоло уни “сиротал-муствакийм”га хидоят этмоқлигини, қунига ўн етти марта, Унинг Ўзидан сўрамоқги жуда ҳам муҳим ва зарурдир, балки, банда хар вақт ушбу дуога мухтождир.

Бирок, банда бу дуони кўп қилишлигига қарамай, у дуони гофил, бепарво қалб билан қилгани боис, гоҳида ижобат этилиши кечикади. Пайгамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Албатта, Аллоҳ Таъоло, гофил, бепарво қалб (эғаси)дан дуони ижобат қилмайди» ҳадиси



## Ислом Нури

ривоят килинган. Дуо чогида калбнинг гафлатда бўлиши дуонинг кучини кетказиб кўяди, шу сабабли унинг ижобати кечикади.

Кўп кишлар: “Хидоят талаб килиб, кўп дуо-тазарруълар килсак ҳам, хидоят топа олмаяпмиз. Холбуки, хидоят топишни жуда ҳам хохлаймиз. Лекин, нима сабабдан хидоят тополмаяпмиз?, бунинг сабаби нима?, билолмаймиз”, — деб кўп шикоят киладилар. Асосий муаммо ҳам, мана шу.

Хўш, бу муаммонинг сабаби нималар? унинг натижаларичи? ва муаммони хал қилишнинг иложи борми?

Шубхасизки, хидоят йўлига тўғонок бўлиб олган омиллар бор ва улар жуда ҳам кўп. Гохида, бир шахснинг ўзида ушбу омилларнинг барчаси тўпланиб қолади, гохида эса баъзилари ва баъзида банданинг хидоят йўлини топишлигига ана шу омилларнинг биттасигина кифоя қилади.

Биз кўйидаги сатрларда хидоят йўлига гов бўлувчи омиллардан ўнтасини санаб ўтамиз:

### **1 - Билимсизлик ёки, эгалланган билимнинг заифлиги:**

Бандани камолотга икки нарса етказди.

а) Хақиқатни ботилдан ажрата билиш яъни, хақиқатга нисбатан тўла маърифат ҳосил қилиш.

б) Сўнгра хақиқатни ботилдан устун кўйиб, уни ихтиёр этиш.

Баъзи бир одам хақиқатни билади яъни, бу ўриндаги маърифатга ҳам эга бўлади. Бирок, уни ботилдан устун кўйишда заифлик қилади.



## Ислом Нури

Билимсиз одам билимга эга бўлиши билан, бўйсунуш ва эргашишга якинлашади, бу билан у хакикатнинг ярим йўлини босиб ўтади, унинг зиммасида факаткигина тўғри йўлга каратилган азми-карор юкигина қолади.

Имоми Ахмад Пайгамбар соллаллоху алайхи ва салламдан мана бу дуони ривоят қилганлар: «Эй Аллохим! Сендан тўғри йўлга бўлган азми-карор сўрайман».

Қахф сўрасининг «(Зотан), ўзинг эгаллаб олмаган - хабардор бўлмаган нарсага қандай сабр қилурсан?!»(68-оят)ида, билимсизлик бесабрликка сабаб эканига ишора бор.

Мана шу билимсизлик, жуда кўп кофирларни исломни қабул қилишларидан манъ қилди. Улар ислом хақида тўлиқ маълумотга эга эмас, унинг моҳиятини тушунмас эдилар, устига-устак уни хохламас, балки, ёмон кўрардилар. Улар мана бу мақолда айтилганидек: “Одамлар ўзлари билмаган нарсанинг душмани бўладилар”, - ўзлари яхши билмаган исломга душман бўлдилар.

Афсуски, бугунги кунда, аксарият мусулмонлар ушбу диннинг хакикатидан беҳабардирлар. Баъзилари: “Агар тавба қилиб Аллох Таъоло тарафига қайрилиб, яхши амалларни қилсам ризки рўзим танглашиб, ҳаётда қийналиб қоламан. Аммо нафсимни ўз хоҳишига қўйиб бериб, гуноҳ йўлини танласам, эркин бўламан ва ўзим хохлаган ишларни қилиб дунё ортираман натижада фаровон ҳаёт кечира оламан...” шу қаби бемани гапларни гапирадилар. Аслида бундайлар Аллохга эмас коринларига, хавойи нафсларига сугинувчи шахслардир. Фаразан, улар ўйлагандек хидоят йўлини тутганлари сабабли ҳаётда тангликка гирифтор бўлишса, бу банданинг иймонида содиқлигини ва



## Ислom Нури

сабрини имтихон килиш учун Аллох Таъоло тарафидан келган синовдир.

Ла илаха иллаллох! Ажабо! Жуда кўп илмсиз ибодат килувчилар, маърифатсиз ўзини диндор хисоблагувчилар ва диннинг асли мохиятидан беҳабар бўлган "олим" деб танилувчи кишилар мана шу хато фикрга алданиб нотўғри йўлга кетдилар.

Аллох Таъоло айтади: **«Одамлар орасида Аллохга шубха билан (яъни, сидкидилдан эмас, балки тил учида) ибодат киладиган кимсалар ҳам бордир».** (Хаж: 11)

Субханаллох! мана шу фитна - мазкур нотўғри фикрга алданиш ушбу диннинг хакикати англашлик йўлига тўганок бўлиб келмоқда. Бунинг сабаби динни тушунмаслик, неъматнинг хакикати билмаслик, кайси неъматга эришиш учун ҳаракат килиш керак - дунё неъматигами, ёки охиратникига? Мана шу нарсани яхши ажрата билмасликдир. Аслида дунё неъматига охират неъматига олдида ҳеч нарсага арзимас экани, исбот талаб килинмайдиган очик хакикатдир.

Аллох Таъолонинг фармон ва кайтариқлари раҳмат ва охират азобидан химоядир. Мўъминлар бу дунёга алданиб, унга боғланиб колмасликлари, охират неъматига рағбат килишлари учун Аллох Таъоло бу дунёни уларга гам-гуссалик килиб кўйди.

### **2 - Хидоятга нолайиклик:**

Баъзи бир киши яхшигина илмга эга бўлиши мумкин, бироқ у нияти бузук, нопок, хидоятга номуносиб бўлгани учун уни хидоятдан маҳрум этилади.



## Ислом Нури

**«Агар Аллох уларда бирон яхшиликни билганда эди, албатта уларнинг кулоқларини очиб кўйган бўлур эди ва агар (Аллох уларнинг) кулоқларини очиб кўйганида ҳам улар юз ўгирган холларида кетган бўлур эдилар».** (Анфол: 23)

Бу каби кишилар ўта котиб кетган ерга ўхшайдилар, унга хар канча кўп ёмгир ёгмасин, бари бир бефойда, ундан бир нарса унуб ўсмайди. Калб ҳам шундай, каттик бўлса насихатни қабул қилмайди. Каттик калб Аллох Таъолодан жуда ҳам йирок бўлади. Шунингдек калбда мараз (нифок каби маънавий иллат) бўлса ҳам, унда азми-қарор бўлмагани боис, ундаги илм фойда бермайди. Бундайларни Аллох Таъоло куйидагича таърифлайди: **«Қачон Ёлғиз Аллох зикр қилинса, Охиратга иймон келтирмайдиган кимсаларнинг диллари сикилиб кетар. Қачон У Зотдан ўзга бутлар зикр қилинганида эса баногох улар шодланиб кетурлар».** (Зумар: 45)

### 3 - Хасад ва кибр:

Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам кибрни, у: “Хакикатни инкор этиш, одамларни таҳкирлаш”, — деб шархлаганлар. Кибрнинг зидди эса тавозедир. Тавозенинг маъноси: “Хакикатни кимдан бўлсада қабул қилиш, ўзгаларга хуш муъомалада бўлиш” дир.

Мутақаббир шахс ўз сўзига ва қилаётган ишига мутаасиб бўлади яъни, меники ҳақ деб туриб олади. Мана шу мутақаббирлик Иблисни саждага буюрилган вақтда, буйрукка бўйсунмасликка ундади. Бу аввалдагиларнинг ҳам, кейингиларнинг ҳам – барчанинг касалидир. Магар Аллох Ўзи саклаган кишиларгина бу иллатдан саломатдирлар.

Яхудийлар такаббур қилганлари учун пайгамбар соллаллоху алайхи ва



## Ислом Нури

салламга иймон келтиришдан бош тортдилар, вахоланки улар у зотни яхши танишар, хакикий пайгамбар эканликларини билишар эди.

Аллох Таъоло дейди: «**Биз Китоб это этган кимсалар** (яхудий ва насронийлар) **уни** (Мухаммад Пайгамбарни саллаллоху алайхи ва саллам) **ўз фарзандларини таниган киби танийдилар.** (Яъни, ўзларининг Илохий Китобларида у зот хакида ўкиганлар). **Ва албатта улардан бир гурухи билганлари холда хакикатни яширадилар».** (Бакара: 146)

Аллох Субханаху ва Таъоло, улар расул соллаллоху алайхи ва салламни ўз фарзандларини танишганидек танишларини зикр килди, лекин улар тош сингари каттик (хакикатни кабул килмайдиган) кавмдирлар.

Абдуллох ибн Убай ибн Салулни хам иймондан ман килган нарса, мана шу кибр касалиги бўлди.

Ушбу кибр туфайли Абу Жахл хам иймондан бош тортди. Бир киши ундан, Мухаммад соллаллоху алайхи ва салламнинг ростгўй - хак эканликларини била туриб нима учун бош тортасан деб сўраганида, у: “Биз ва баний Хошим доимо шараф устида мусобака килар эдик, пойгадаги икки чавандоз каби кетиб турган бир пайтимизда, улар биздан пайгамбар чикди дейишмоқда, биз энди уларга кандай килиб ета оламиз, Аллохга онт ичаманки, унга асло иймон келтирмаймиз”, — деб жавоб берган эди.

Колган мушриклар хам худди Абу Жахл каби, Расул соллаллоху алайхи ва салламнинг ростгўйликларида, хакикат у зот билан эканида шак-шубха килмас эдилар, лекин кибр ва хасад уларни куфр ва инод (кайсарлик, хакикатга унамаслик)га мажбур килди.



## Ислом Нури

### 4 - Рахбарлик кўлдан кетиб колишидан кўркиш:

Кишида хакикатга бўйин эгишдан ман киладиган кибр ва хасад бўлмаса-ю, бироқ у молу-мулк, юкори лавозимга эга бўлса, ундаги мана шу молу-мулк ва лавозимга бўлган хирс-бахиллик хакикат ва хидоят йўлига тўганок бўлиб олади. Рум императори Хиракл (Геракл) ва унга ўхшаганларнинг холатлари шундай бўлган эди. У Абу Суфён билан олиб борган сухбатининг охирида шундай деган эди: “Агар сўзларинг рост бўлса, у (пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам) тез кунда мана шу икки оёгим ўрнига эга бўлади (яъни, менинг малакатимга эга бўлади). Агар мен унга етиб боришимга аклим етганда эди (яъни, подшоҳлигимдан воз кечиб, бориб унга иймон келтиришга аклим етганда эди) у билан учрашишга каттик харакат килган бўлардим ва хузурида бўлсам, унинг муборак кадамларини ювиб кўярдим”. У иймон келтиргудек бўлса, мамлакатига (подшоҳлигига) ва хаётига кавми томонидан келадиган хавфни аник биларди, шу боис у, Расул соллаллоху алайхи ва саллам хузурларига етиб келишга кодир эмас эди.

Барча лавозим эгалари мубтало бўлган ушбу иллатдан, Нажоший каби Аллох Ўзи саклаган кишиларгина нажот топа олганлар, холос.

Фиръавн ва унинг тарафдорлари хам мана шу иллатга - лавозимни яхши кўриш дардига мубтало эдилар.

Аллох Таъоло деди: **«Улар айтдилар: “Ўзимизга ўхшаган икки кишига иймон келтирурмизми?! Холбуки, уларнинг кавми (яъни, Бани Исроил) бизларнинг кулларимизку”»**. (Мўъминун: 47)



## Ислом Нури

Ривоят килинишича: “Фиръавн Мусо алайхиссаломни тасдиқлаб, у кишига эргашмокни хохлаб, бу тўғрида ўз вазири Хомон билан маслахатлашган экан. Хомон унга: “Сиз ўзингиз ҳамма ибодат киладиган маъбуд бўлсангиз, кандай килиб бошкага ибодат киладиган бир оддий бандага айланмокчисиз”, — деб жавоб берган экан. Шундан сўнг Фиръавн хидоятни ташлаб риёсатни (подшоҳликни) ихтиёр этган экан”.

5 - Бойлик ва шахват (нафс истаги):

Жуда кўп ахли китобларни (яхудий ва насронийлар) иймон келтиришдан мана шу омил - бойлик ва шахват ман килди. Уларни иймон келтиришларига тўғанок бўлган энг катта сабаб, иймон келтиришганидан кейин, уларга кавмлари томонидан етиб турган молу-давлат, иззат-икромнинг узилиб колиши эди.

Курайш кофирлари ҳам, одамларни иймондан ман килиш йўлида, уларнинг калбларига, шахват (нафс истаги) томонидан йўл топишарди. Зинокорга, ислом зинони харом дейди, арокхўрга эса, ислом арокдан ман килади, арок ичган кишини дарралайди деб, унинг йўлига гов бўлишарди. Натижада шахватига кул бўлган кўп кишилар хидоят неъматидан махрум бўлиб колардилар. Машхур шоир Аъшо ҳам, ана ўшалардан биридир. Арокка муккасидан кетган “шоир” пайгамбаримиз соллаллоху алайхи ва саллам хузурларига иймон келтириш ниятида кетаётганини кўрган Курайш кофирлари, унинг йўлини тўсиб, хабаринг йўкми? улар арок ичишдан ман киладилар, ичганларни дарралайдилар деб, унинг йўлига тўсик бўлдилар. Арок шайдоси - шоир эса, бахтсизлик унга голиб келиб, росулуллох соллаллоху алайхи ва саллам билан учрашмай оркасига кайтиб кетди. Бирок у манзилига сог-омон ета олмади, йўлда уни туяси йикитиб



## Ислом Нури

ўлдирди. (Бунда ибрат олгувчига катта ибрат бордир)

Бир олим киши айтади: «Жуда кўп ахли китоблар билан, ислом хакида сухбат олиб бордим. Уларнинг бириси билан олиб борган сухбатим охирида менга у, мана бундай жавоб килди: “Мени холи кўй! Мен арокни яхши кўраман, усиз тура олмайман, сизлар эса, уни харом дейсизлар, ичганларни дарралайсизлар”. Яна бошка бировини даъват килиб, исломни кабул килгин деб айтсам, у: “Албатта сен айтганингдек, Ислом хак дин, бироқ, мен уни кабул килолмайман, сабаб менинг давлатманд кариндошларим бор, сенинг сўзингга кириб мусулмон бўлсам, улар мендан алокани узиб, мени давлатларидан махрум этишади, менинг орзум эса, уларнинг давлатларига меросхўр бўлишдир”, деди.»

Шубхасизки, кўп кофир халklarнинг нафсларида, мана шу даражадаги бойликка бўлган хирс мавжуд. Зеро бандада, иймонга ундовчи омил кучсиз бўлса, бойликка, шахватга чорловчи сабаблар кучайиб кетади, бу пайтда банда, бойлик ва шахват чакиригига ижобат этиши шубхасиздир. Аллох Таъоло айтади: **«Ким Аллохга даъват килгувчи (даъвати)ни кабул килмаса, бас, у Ер юзида (бирон жойга) кочиб кутулгувчи эмасдир ва унинг учун (Аллохдан) ўзга (Унинг азобидан куткаргувчи) “дўстлар” хам йўқдир. Ана ўшалар очик залолатдадирлар».** (Ахкоф: 32)

6 – Кавм-кариндош, хотин, бола-чакаларига каттик мухаббат кўйиб, уларга богланиб колиш:

Киши хакикатни тушуниб, унга эргашган пайтда, кавм-кариндошлари, оила аъзолари уни тушунишмаса, у бизларга карши чикяпти деб, ўзларидан йироклаштириб, у билан алокани узиб кўйишади. Кўпинча



## Ислом Нури

у, бу жафоларга бардош бера олмагани боис, кавм-кариндош, оила аъзоларини рози қилиш эвазига хидоят – Ислом йўлини тарк этади. Тарихга бир назар солсак, жуда кўп кишилар, кавм-кариндошларини рози қиламан деб, улар ичида кофир холатда қолиб кетганларининг гувоҳи бўламиз.

Бу холат яҳудий ва насронийлар ўрталарида ҳам кўп учрайди. Қандай учрамасин? Ахир улар, ўзларининг маслакларига қарши чиққан барчани ёмон кўриб, тарк этадилар-ку! Мана шу қилмишлари уларнинг авлодларидан ва уларга мансуб кишилардан кўпини ҳақиқатни тушиниб билганидан кейин ҳам, уни тарк этишга, ундан воз кечишга мажбур қилди.

*(Шу ўринда муаллиф шеърий назмни келтиради, унинг маъноси қуйидагича):*

«Кишининг оғзи касалланиб, “аччик” бўлиб қолса, ҳамма нарса хатто, тотли зилол сув ҳам, унинг оғзига “аччик” татир экан.»

*(Яъни, қалби касал кишиларнинг мисоллари, мана шу “оғзи оғрик – аччик” кишига ўхшайди, уларга оби зилол қаби соф оятлар, ҳадислар ёкмайди).*

7 – Ховли-жой, ватанга бўлган муҳаббат (агарчи, у ватанда кавм-кариндошлар бўлмаса ҳам)

Росулуллох соллаллоху алайхи ва салламга ёки у зотнинг ҳақиқатпарвар издошларига эргашишлик ортида уй-жойдан, она ватандан ажралиб, бегона юртларга хижрат қилиш турганини кўрган одам, агар унинг қалбида ховли-жойи, ватанига бўлган муҳаббати



## Ислом Нури

кучли бўлса, хакикатни аник била туриб хам, унга эргашишдан, Исломнинг яхшиликларини кўра била туриб уни қабул қилишқдан ватанини ортик кўради яъни, хакикат йўлида ватанини тарк этолмайди.

Аллохдан фазли ва розилигини истаб, содиклик билан Аллох ва росулига нусрат бериш ниятида, Расуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг мадиналарига хижрат қилган барча саҳобайи киромларнинг тарихларини, хусусан, Салмон Форисий (у кишига хакакат изловчи деб ном берилган) тарихларини, у зотнинг хакикатга етиш йўлида тортган машаққатларини ўқиб кўрган киши, у улуг инсонлар Аллох учун, хакикат йўлида юртларини тарк этиб, гурбатни ихтиёр этганларининг гувоҳи бўлади.

8 - Исломни қабул этиш, Росулulloх соллаллоху алайхи ва салламга тобеъ бўлиш бу ота-боболарни камситиш, уларнинг шаънини булгашдир деган бузук ўй-хаёллар қилиш:

Мана шу хаёллар Абу Толиб ва унга ўхшаганларни исломни қабул этишдан ман қилди. Улар мусулмон бўлишларини гўё, ота-боболарини ақилсизга чиқариш деб ҳисоблашди. Аллохнинг душманлари бўлмиш Қурайш кофирлари Абу Толибнинг ўлими олдида, унга отанг Абдулмутталибнинг миллатидан (динида) юз ўгирасанми? — дейишди. Улар Абу Толиб отаси Абдулмутталибни олий даражада улуглашлигини яхши билганлари учун, унинг қалбига мана шу жихатдан йўл топиб, уни хакикатдан ман қилишди. Улар кишилар қалбига, мана шу қаби жихатлардан йўл топиб уларни исломдан ман қилишлари хақида бир оз юкорида хам сўз юритган эдик. Абу Толиб ўзи хам, исломни қабул қила олмаслик сабабини баён қилиб, Росулulloх соллаллоху алайхи ва салламга: "Сизга эргашиш Баний



## Ислом Нури

Абдулмутталибни тахкирлаш ҳисобланмаганида, албатта иймон келтириб, кўзингизни кувонтирган – сизни хурсанд қилган бўлар эдим” — деган эди. Ушбу сўзларини яна бир ўринда шеърий тарзда ҳам ифодалаган эди.

*Шеърнинг маъноси куйидагича:*

«Мухаммаднинг дини халқлар ичидаги энг яхши диндир. Кани энди, динингизни қабул қилишда маломат ва ота-боболарни тахкирлаш бўлмаганида эди, уни ошқоро қабул қилганимни кўрардингиз»

Бундай нотўғри фикрлаш фақат аввалдагиларнинг ўзларигагина хос эмас, балки хозиргилар ҳам худди мана шу нотўғри фикрдалар. Мен ўзим жуда кўп кишиларни: “Ота-боболаримнинг урф-одатларини – агарчи, нотўғри бўлса ҳам – асло тарк этмайман” — деганларини жуда кўп марта эшитганман.

**«Қачон уларга: “Аллох нозил қилган нарсага ва Пайгамбарга келинглари”, дейилса, улар: “Биз учун ота-боболаримизни ниманинг (яъни, қайси диннинг) устида топган бўлсак, ўша етарли”, дейишади».** (Моида: 104)

Мана шундай нотўғри ўй-хаёллар жуда кўпларни ҳақиқатни тушуниб етганларидан кейин ҳам, уни қабул қилмасликларига тўғанок бўлиб келмоқда.

9 – Ёмон кўрган кишиси ундан аввал исломни қабул қилиши ёки, хидоят топиши:

Бу нарса ўзи аниқ билган ҳақиқат келганидан кейин ҳам, жуда кўп кишиларни хидоят топишдан ман қилди. Шу даражадаки, бир



## Ислом Нури

кишининг ўзи ёктирмайдиган, бир хаводан нафас олишинида истамайдиган, доимо у билан тескари бўлиб юрадиган душмани, ундан аввал хидоят топиб, хакикатга эргашганини кўрса, унинг душманига бўлган нафрат-адовати сабаб – агарчи, хакикатга даъват этгувчилар билан унинг ўрталарида адоват мавжуд бўлмаса ҳам – факатгина, ушбу хакикатга ундан аввал душмани эргашганлиги уни хакикатга эргашишдан ман киларди.

Бу холатни Яхудийлар ва Ансорийлар ўрталарида кузатиш мумкин. Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам келишларидан бир оз аввал, улар ўрталарида жангу-жадаллар, урушлар воқеъ бўлиб турарди. Качонки, Яхудийлар маглубиятга якинлашиб колсалар, тез кунларда келажак пайгамбарнинг номини тилга олиб, Ансорларга тахдид килишар эди. Бирок, у пайгамбар келган пайтда, ўзларидан аввал Ансорлар ўша пайгамбарга эргашганлари учун, пайгамбарнинг хак эканини била туриб, Ансорлар билан ўрталаридаги адоват боис, унга иймон келтириш ва унга эргашишдан бош тортдилар.

10 – Миллий урф-одатлар, ананалар ва буларга каттик боғланиб колиш:

Бу нарса бир карашда оддий бир холатга ўхшаб кўринса ҳам, аслида барчага голиб бўлиб олган жуда ҳам ёмон иллатдир. Ушбу иллатдан факат Аллох саклаган кишиларгина нажот топа оладилар. Зеро, ота-боболардан мерос килиб олинган нотўғри урф-одат, ананаларни ташлаб, хакикатга эргашиш бир табиатдан (характердан) иккинчи бошка бир табиатга кўчиш билан баробардир, бу жараён оддий, осон кечадиган жараён эмасдир.

Аллох Таъолонинг пайгамбарларига, хусусан, уларнинг охиргилари,



## Ислом Нури

энг афзаллари пайгамбаримиз хазрати Мухаммадга – барчаларига салавоту саломлар бўлсин! Улар ўз умматларининг ота-боболаридан мерос килиб олган, ботил урф-одатларини ўзгартириб, уларни иймон – хакикат йўлига киргизишга муваффақ бўлдилар. Яъни уларни бир табиатдан бошка бир табиатга кўчириб ўтдилар.

**«(Эй Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам) шунингдек, Биз Сиздан илгари бирон кишлок-шахарга бирон огохлантиргувчи-пайгамбар юбормадик, магар (юборганимизда) у жойнинг боёнлари: "Албатта ота-боболаримизни бир миллат - дин устида топганмиз ва албатта бизлар уларнинг изларидан эргашгувчидирмиз" деганлар».** (Зухруф: 23)

Бу ишнинг на қадар машаккатли эканини биргина одамни бўлсада, ҳақ динга киргизишлик йўлида саъйи-ҳаракат қилган, даъват йўлидаги кийинчиликларни бошидан кечирган одамгина яхши билади.

Залолат саҳросида сарсон-саргардон бўлган гумрохларни хидоят йўлига етаклаган, бу йўлда йўликкан барча машаккатларга марданавор сабр этган, барча пайгамбарлар ва барча даъватчиларга Аллох Таъолонинг салоту-саломии ва мархамати бўлсин!

Муаммонинг ечими эса, хидоятга сабаб бўладиган омилларга қайрилишдир:

Инсон жисмонан касалланган вақтида, мана шу касалликдан қутилиш мақсадида шифо топиш учун керак бўлган, мавжуд сабабларни кидиради ва насиб бўлса, шифо ҳам топади. Қалб касаллигидан қутилиб, хидоятга йўл топиш учун ҳам, мавжуд сабаблар – омиллар бордир. Улар:



## Ислом Нури

— Хидоят сўраб Аллох Таъолога дуо килиш.

— Пайгамбарлар ва уларнинг давомчилари бўлмиш хидоят йўлига чорловчи, айтганларига ўзлари биринчилардан бўлиб амал килгувчи даъватчилар.

— Акл ва идрокни ишлатиб хакикатни ботилдан фарклай билиш.

Калблари ширк ва гунохкорлик сабабидан касалланган калб эгалари, айтиб ўтганимиз, хидоятга сабаб бўлгувчи омилларга мурожаат килишса, - инша Аллох - хаста диллари ушбу иллатлардан, албатта халос топажакдир.

Барча оламлар парвардигори Аллох Таъолога хамду санолар, Унинг амонатдор Пайгамбарига дуруду-салавотлар йўллашимиз билан, мусохабамиз поёнига етди.